

**ҚИСМЛАРГА АЖРАТИЛГАН, ЙИГИЛМАГАН ҲОЛДА ИМПОРТ
БЎЛАЁТГАН АЙРИМ ТОВАРЛАРНИ ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ
АСОСИДА ТАСНИФЛАШ**

Қурбонқул Мавлонқулович КАРИМҚУЛОВ

профессор

техника фанлари доктори

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

karimkulov@mail.ru

Шоҳижаҳон Жўрабек ўғли СОДИҚЖОНОВ

магистратура тингловчиси

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

sodiqjonov7478@mail.ru

Аннотация

Мақолада товарларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ тўғри таснифлаш, таснифлаш жараёнида юзага келаётган муаммоли ҳолатларни айрим товар турлари бўйича таҳлил этилган, ҳамда уларни бартараф этиш учун илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси, таснифлаш, боғхона расмийлаштируви, боғхона юк декларацияси, товар коди, боғхона тўловлари, уйғунлаштирилган тизим.

**КЛАССИФИКАЦИИ НЕКОТОРЫХ ВИДОВ ТОВАРОВ
ИМПОРТИРУЕМЫЕ В НЕ СОБРАННОМ ИЛИ РАЗОБРАННОМ ВИДЕ
ПО ТОВАРНОЙ НОМЕНКЛАТУРЕ**

Қурбонқул Мавлонқулович КАРИМҚУЛОВ

профессор

доктор технических наук

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

karimkulov@mail.ru

Шоҳижаҳон Журабек углы СОДИҚЖОНОВ

слушатель магистратуры

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

sodiqjonov7478@mail.ru

Аннотация

В статье проводится правильная классификация товаров по товарной номенклатуре ВЭД, анализируются проблемные ситуации, возникающие в процессе классификации по некоторым видам товаров и разработано научно-практические предложения и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: товарная номенклатура внешнеэкономической деятельности, классификация, таможенное оформление, грузовая таможенная декларация, код товара, таможенные пошлины, гармонизированная система.

Бугунги кунда Республикамиз божхона тизими ўз қонунлари, меъёрий ҳужжатлари халқаро стандарт меъёрларига имплементация қилинган унинг ҳамма бўғинлари халқаро стандартлар асосида фаолият кўрсатувчи тизимга айланди. Мамлакатимиз божхона тизими халқаро миқёсда эътироф этилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида шаклланди.

Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга қаратилаётган муҳим эътибор, соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, унинг инвестицион жазибадорлигини оширишга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрель ПФ-5414-сон [1], «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2022 йил 27 апрель ПФ-122-сон фармонлари асосида божхона органларида қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни, товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар тизимли равишда Уйғунлаштирилган тизимга (кейинги ўринларда УТ) асосланган Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товарлар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) асосида халқаро код рақамларига мувофиқ таснифланади.

ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг асосий 6 та қоидаларига биноан, товарлар таснифланади. Товарларнинг кодини тўғри аниқлаш учун эса, уларнинг барча хусусиятларини ўрганиш орқали амалга оширилади.


Юқорида таъкидланганидек, товарларни тўғри ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш асосида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади. БЮДнинг тегишли графаларидаги товар тўғрисидаги маълумотлар бир-бирига мос келиши назорат қилинади. Демак, товарларни ТИФ ТН код рақамлари тўғри аниқланиши натижасида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади [2].

Товарларни Уйғунлаштирилган тизим бўйича таснифлашда УТни талқин этишнинг 2А қоидасини қўллашда юзага келаётган айрим муаммоли ҳолатлар айрим товарлар мисолида кўриб чиқилди.

Товарларни талқин этишнинг 2А қоидаси мазмун моҳияти шундан иборатки – тугалланмаган, йиғилмаган, тайёр бўлмаган товарлар агар улар бир бутун товарларнинг умумий хоссасини, хусусиятини намоён қилса, бундай ҳолатда товарлар тайёр товар сифатида қаралади ва таснифланади.

Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасини интерпретация қилишнинг 2А қоидасига мувофиқ, йиғилмаган товар деганда, буюм мос элементлардан оддий маҳкамловчи деталлар ёрдамида, шунингдек, парчинлаш ва кавшарлаш ёрдамида йиғилади ва бунда оддий йиғиш ва созлаш ишлари амалга оширилади [3].

Шу боис, ТИФ ТНни талқин этишнинг 2А қоидасига биноан, мазкур



қуйидаги деталлар комплекти

йиғилган тайёр буюм сифатида классификацияланиши зарур.

1-расм. Электр тежовчи (Led лампа)

Ушбу товар электр тежовчи лампа йиғиш учун мўлжалланган бутловчи қисмлардан иборат:

- лампанинг юқори қисми пластик корпус (плафон);
- тағ қисми пластикдан қилинган конуссимон стаканчик;
- цоколь (лоток ва пистон);
- драйвер (конденсатор);
- лампанинг ички қисмида доира шаклдан иборат 7 дона қотирилган чиплар;
- печатная плата (микросхема);
- доира шаклидаги алюмин металлдан тайёрланган маҳкамлаш ва совутиш учун мослама ҳамда лампаларни кадоқлаш учун мўлжалланган картон кутилар.

Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасини интерпретация қилишнинг 2А қондасига мувофиқ, йиғилмаган товар деганда, буюм мос элементлардан оддий маҳкамловчи деталлар ёрдамида, шунингдек, парчинлаш ва кавшарлаш ёрдамида йиғилади ва бундай оддий йиғиш ва созлаш ишлари амалга оширилади. Шундай ҳолатда мазкур деталлар комплекти йиғилган тайёр буюм сифатида классификацияланиши зарур.




2-расм. Вентилятор учун эҳтиёт қисмлар.

Ушбу товар вентилятор йиғиш учун мўлжалланган бутловчи қисмлардан иборат:

- вентилятор бошқарув ва электродвигатель блоки;

- парракни олди ҳимояловчи қопламаси;
- парракни орқа ҳимояловчи қопламаси;
- ички ва ташқи трубкалардан иборат ушлаб турувчи тиргак;
- вентилятор учун ишлатиладиган металл ёй;
- вентилятор паррагининг орқа ҳимояловчи қопламасини муайян ҳолатда маҳкамлаб қўядиган мослама;
- маҳкамловчи винт;
- электродвигателни ҳимояловчи пластмасса қоплама;
- вентилятор паррак қисмидан ташкил топган.

Ушбу товарлар ТИФ ТНни талқин қилишнинг асосий қоидалари 2А қоидасига мувофиқ, тугалланмаган ва йиғилмаган ҳолда тақдим этилган товарни тугалланган ва йиғилган товар каби классификациялаш зарур ва тайёр товар сифатида қаралиб, ТИФ ТНнинг 8414 51 товар субпозициясида таснифлаш лозим.




3-расм. Демонтаж қилинган уч ғилдиракли юк мотоцикли.

Мазкур товарлар уч ғилдиракли, юк ташишга мўлжалланган мотоциклларнинг бутловчи қисмлари эканлиги, ушбу бутловчи қисмлар устида кемпинг сваркаси, болт-гайкани бураш, бўяш операциялари ёрдамида

уч ғилдиракли, юк ташишга мўлжалланган мотоцикл тайёр ҳолга келтирилади.

Ушбу транспорт воситасини юқорида қайд этилган қоидага асосан, оддий йиғиш операциялари ёрдамида тайёр транспорт воситаси ҳолатига келтириш имкони мавжуд бўлгани боис, “Мотоцикл трехколесный грузовой в разобранном виде с объемом двигателя 197 куб.см” номи билан кўрсатилган товарни йиғиш учун келтирилган бутловчи қисмлар тўпламига ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг 2А қоидаси қўлланиши лозим.

Тайёр ҳолга келган уч ғилдиракли юк ташиш учун мўлжалланган моторли транспорт воситасининг юриш-бошқариш тизимида орқа



деференциал мавжуд бўлиб, ўз двигателининг кучи билан орқага юриш мосламаларига эга. Унда одам ташиш имконияти мавжуд эмас.

4-расм. Уяли телефон қисмлари.

Мазкур товар учун ТИФ ТНнинг 8703, 8704 ва 8711 товар позицияларини ўрганиб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади.

ТИФ ТНнинг 8711 товар позициясида берилган изоҳда қуйидагилар қайд этилган.

Мазкур товар бир платага:

- барча электрон қисм ва микро схемалар;
- дисплейли экран;
- эшитиш мосламаси;
- микрофон;

- электр манба йиғиш порти;
- ёритиш мосламаси ва бошқа қисмлар ўрнатилиб кавшарланган ҳолда.

Ушбу товар қисмлари оддий йўл билан ўрнатилиб ишга туширилди ва натижада уяли телефон аппарати ишчи ҳолатига келади.

Мазкур ҳолатда уяли телефон қисмларини оддий ишчи ҳолатидаги телефон аппаратига айлантиса бўлади.

Шу сабабли, уяли телефон воситаси қисмлари товар ТИФ ТНнинг 8517 70 коди билан эмас, балки тайёр телефон аппарати ТИФ ТНнинг 8517120000 коди билан таснифланади.

Ушбу йўналишнинг миллий иқтисодиётимиз, хусусан, божхона тўловлари соҳасида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиш учун Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий божхона бошқармаларида 2019-2022 йилларда амалга оширилган ишлар статистикасини келтиришнинг ўзи kifоядир. Божхона қўмитасининг Марказий божхона лабораторияси томонидан тайёрланган божхона лабораторияси йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот асосида тайёрланди.

**Марказий божхона лабораторияси ва ҳудудий божхона бошқармалари
классификациялаш гуруҳлари томонидан божхона экспертизаси
йўналиши бўйича умумий 4 йиллик солиштирама статистик
маълумот**

Йиллар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ўтказилган экспертизалар умумий сони	3794	4050	9596	9943
ТИФ ТН бўйича аниқланган хатоликлар сони	2257	2771	3291	3540
ТИФ ТН бўйича аниқланган хатоликлар натижасида ҳисобланган қўшимча тўловлар (млн сўм)	45,42	83,05	99,95	77,5

2022 йилда ўтказилган экспертизалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 338 та аниқланган божхона қоида бузилиш бўйича хатоликлар 297 тага кўпайган, ҳисобланган божхона тўловлари 22,4 миллиард сўмга камайган [4].

2022 йилда Марказий божхона лабораторияси товарларнинг таркибига аниқлик киритиш юзасидан келиб тушган 316 та (2021 й. 330 та) мурожаат (худудий божхона бошқармалардан – 298 та, юридик ва жисмоний шахслардан – 11 та, КҚК бош бошқармасидан - 7 та) бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида 2,7 миллиард сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди [5].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз худудига товарларнинг кириб келишида божхона тўловларини тўламаслик ёки камайтириш билан боғлиқ товарларнинг ТИФ ТН код рақамлари ўзгартирилиши ва нотўғри тақдим этилиши ҳолатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундай ҳолатлар ўз навбатида божхона экспертиза йўналиши билан бевосита боғлиқдир. 4 йиллик (2019 й., 2020 й., 2021 й., 2022 й.) таҳлилий маълумотларга асосан ТИФ ТН код рақамлари билан боғлиқ содир этилган хатоликларни аниқлаш, божхона тўловларидан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш йилдан-йилга тобора ортиб бораётгани кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар киритилади:

– ТИФ ТНни талқин этишнинг асосий қоидаларини қўллашда амалиётда вужудга келаётган муаммоли ҳолатларни инобатга олиб, ТИФ ТНни талқин этишнинг 2А қоидасини қўллаш учун алоҳида методик кўрсатма ишлаб чиқиш;

– Товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлашда хатоликлар сонини камайтириш мақсадида, худудий таркибий тузилмаларда Товарларни классификациялаш ходимларининг ишини мувофиқлаштириш, божхона органларининг Ягона электрон ахборот тизимлари орқали расмийлаштирилган товарларни тўғри таснифланганлигини таҳлил қилиш;

– Товарларни идентификациялаш ва ТИФ ТНга мувофиқ деталациялаш жараёнини такомиллаштириш ва таснифлаш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 12 апрель ПФ-5414 Фармони. WWW.Lex.uz
2. Абдуғаниев Б.Ё. Божхона экспертизаси, Товарларни халқаро сертификатлаш: дарслик. – Тошкент: Давлат божхона қўмитаси, 2014.
3. Андреева Е.И. Развитие методологии и совершенствование механизма управления идентификацией товаров в таможенных целях: Монография. – Москва: Наука, 2016.
4. ДБКнинг МБЛ томонидан тайёрланган божхона лабораторияси йўналишида амалга оширилган ишлар ва маълумотлари. WWW.Customs.uz
5. www.newcustoms.uz
6. www.kun.uz
7. www.wso.com, www.Wsoomd.org